



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 24-noyabr, payshanba,
138 (23.703)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Тушунмайдиган
одам йўқ,
тушунтира
олмайдиганлар
бор

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



РАҲБАРЛАР АРМИЯДА

Жорий йилнинг 21 ноябрь куни Марказий ҳарбий округнинг Фориш полигонидида ҳарбий йиғинга старт берилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармойишига асосан ташкил этилган йиғинга вилоят ҳокими ва икки нафар ўринбосари ҳамда бир нафар маслаҳатчиси жалб этилган. Шунингдек, 6 та бошқарма бошлиқлари, 8 туман ҳокими ва 8 нафар шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари йиғинда иштирок этмоқда.

Режага кўра, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари бевосита ҳарбий хизмат муҳитида бўлади. Ундан кўзланган мақсад эса мамлакат мудофаасини ташкиллаштириш доирасида юклатилган вазифалар

бажарилишининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Фориш полигонидидаги ётоқхоналарга жойлашган йиғин иштирокчилари ҳарбий хизматчилар учун ярилган шароитлар ва миллий армиямида мавжуд жанговар техникалар ҳамда қурол-аслаҳалар билан яқиндан танишмоқда. Умуман, йиғин иштирокчилари оператив, сафарбарлик, ахлоқий-руҳий, тактик тайёргарликлардан ўтиш орқали юрт ҳимояси йўлида амалга ошириладиган ислохотлардан тўлиқ хабардор бўлади.

Шунингдек, иштирокчилар машғулотлар давомида алоқа, тактик-тиббий, ҳарбий спорт ҳамда отиш тайёргарликларидан ўтиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашади.

ЎЗГА ЮРТДА, ВАТАНДАН ВА ЯҚИНЛАРДАН ОЛИСДА

КўНГИЛСИЗ ҲОЛАТГА ТУШМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Кейинги йилларда ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазият тубдан ўзгарди. Бу ватандошларимизнинг хорижда ишлаши учун шароит яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кафолатли меҳнат бозорини яратиш, қолаверса, юртдошларимиз Ватанга қайтиб келгандан кейин ҳам эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўляпти. Бугунги кунда агентликнинг вилоят филиали томонидан олиб борилётган ишлар ҳам салмоқли. Соҳадаги янгиликлар ҳақида ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вилоят филиали раҳбари Суннатилла Абдусайидовга бир неча саволлар билан муурожаат қилдик.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Янги йўналишларда янги автобуслар қатнай бошлади

Самарқанд шаҳрида аҳолига жамоат транспорти хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш, шаҳар жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Шунга кўра, "Мароқанд транс 777" масъулияти чекланган жамияти томонидан Хитой Халқ Республикасидан 80 дона замонавий автобус харид қилинмоқда. Ўтган ҳафта "King Long" русумли ушбу автобусларнинг дастлабки 20 таси Самарқандга келтирилган.

Бугундан шаҳардаги учта янги йўналишда синов тарзида янги автобуслар қатнай бошлади.

Жумладан, 10,3 километрли М1-рақамли янги йўналиш Самарқанд темир йўл вокзали ва халқаро аэропорти Беруний, Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Ибн Сино кўчалари орқали боғлайди. М3-рақамли йўналиш эса Дўстлик маҳалласидан бошланиб, Спитамен шоҳ, Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Университет хиёбони, Регистон, Панжакент, Шабод, Уста Умар Жўрақулов кўчалари орқали Самарқанд халқаро туристик марказига боради.

Бу йўналишнинг умумий масофаси 19 километрни ташкил этади. 13,2 километр масофадан иборат 30-рақамли йўналиш Тошкент маҳалласидан Шабод, Уста Умар Жўрақулов, Шоҳи Зинда, Рудакий, Мотрид, Янгиобод, Ўзбеккенти



кўчалари орқали Қорасув массивигача ҳаракатланади.

Етмиш йўловчи сифимиға эга янги автобуслар сиқилган газга мослаштирилган. Ногиронлиги бўлган йўловчилар учун қўшимча қулайликлар мавжуд. Йўналиш электрон таблода кўрсатиб борилади.

"Мароқанд транс 777" МЧЖ раҳбари Ҳасим Содиковнинг маълум қилишича, қолган автобуслар ҳам йил якунига қадар Самарқандга келтирилади.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Президент қарорига кўра

ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 2 ноябрдаги "Иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра:

- иссиқхона хўжаликларини айланма маблағ (уруғлик, кўчат, ўғит, кимёвий воситалар, иссиқхона материалларини солиб олиш ва иситиш харажатлари) билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан бир йил муддатга олти ойлик имтиёзли давр билан кредит ажратилади;

- иссиқхона хўжаликлари учун тижорат банкларига кредит ва уларнинг физини қайтариш муддати қатъий

равишда маҳсулотнинг пишиб-етилиш даврига мослаштирилади;

- иссиқхона хўжаликларига табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун пеня суммаси 2022 йил 1 октябрдан 2023 йил 1 апрелгача истисно тариқасида ҳисобланмайди;

- саноат типидидаги замонавий иссиқхона ва логистика марказларини ташкил этиш учун яхлит майдонлар ягона "лот" билан очиқ аукцион савдоларига чиқарилади ва бунда ажратиладиган майдонлар худуд шароитидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан белгиланади.

АЁЛ НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ?



ган 65 минг нафар шахсга амалий ёрдам берилди. Уй-жойга эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 339 нафари тураржой билан таъминланди.

- Кейинги йилларда мамлакатимизда илк бор ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жой билан таъминланаётгани муаммолар гирдобидида қолаётган аёллар ва болаларнинг келажакини таъминлаш билан баробар, - дейди З.Маҳкамova. - Афсуски, амалга оширилаётган ишларга қарамай, кўнгилни хира қиладиган баъзи ҳолатларнинг содир бўлаётгани ҳар бир бўғин ўз ишини аъло даражада амалга оширмаётганидан далолат беради. Хусусан,

Самарқандда яқинда содир бўлган икки нохуш воқеа - Самарқанд туманида аёлнинг ўзи ва фарзандлари жонига қасд қилиши ва Ургут туманида қайнонасининг қотилига айланган келин воқеаси барчамизни сергак тортириши керак. Биз икки ҳолатни ҳам ўргандик. Албатта, улар ўз қилмишига яраша жазосини олади. Аммо бу оилалардаги келишмовчиликлар узок йиллар давом этиб келган. Маҳалла фаоллари улар тинч оила эди, деб айтаётган бўлса-да, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки бундай ҳолатлар бирдан юзага келмайди, йиллар давомида йирингдек тўпланиб, кейин ёмон оқибатларга олиб келади. Бугун қўмитанинг

барча қўйи тизимлари вакилларидан ҳам, маҳалла фаолларидан ҳам талаб қиладиганимиз битта - ҳар бир хонадондаги вазиятдан бохабарлик. Сабаби, зўравонлик бирдан ошкор бўлади, таъйиқ эса йиллар давомида оила аъзолари, хусусан, келинни қийнаб келади. Ва қўтилмаганда нохуш ҳолатларга сабаб бўлади.

Йиғилиш давомида жиноят сабаблари таҳлил этилди, мутасаддилар олдиға аниқ вазифалар қўйилди.

Бош вазир ўринбосари Ургут туманида тизимда амалга оширилаётган ишлар танишиб, сайёр қабул ўтказди.

Гулрўх МЎМИНОВА.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов иштирокида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларининг жорий йил ўн ойидаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

80 НАФАРГА ЯҚИН ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ АЛМАШДИ

- Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бу йил олдимизга жуда катта вазифа қўйилган - 635 минг кишининг бандлигини таъминлашимиз керак, - деди Ж.Ўроқов. - Ун ой давомида 609 мингга яқин юртдошимиз янги очилган ёки вақант иш жойларига жойлашди, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди, деҳқончилик қилиши учун ер берилди. Шунингдек, шу пайтгача нолегал ишлаганлар иш ўрни легаллаштирилди. Биргина хизматлар соҳасида 187 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари саъй-ҳаракати билан 83 минг фуқаро доимий иш жойларига жойлаштирилди, 13 мингга яқин фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 137 минг фуқаро ўзини ўзи банд қилишига эришилди, 11 минг фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлади. 32 минг нафар ишсиз кишилар эса ижара асосида ер олиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 36 минг нафар фуқарога 785,8 миллиард сўмлик имтиёзли кредит, шунингдек, 8,8 минг нафар ишсиз, кам таъминланган аҳолига 9,1 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Ж.Ўроқовнинг таъкидлашича, шу пайтгача вилоятдаги 1126 маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчиларининг 80 нафарга яқини алмашди. Жумладан, 6 нафари юқори лавозимга ўтган бўлса, кўпчилиги ушбу вазифага нолийқлиги сабабли ишдан олинган. Бугунги кунда 18 маҳаллада ҳоким ёрдамчиси ўрни вақант бўлиб, бу жойлар учун танлов эълон қилинган.

- Бу тизим ўтган йил вилоятимизда синов тарзида жорий этилган ва

маълум тажриба, кўникма бор эди, - деди Ж.Ўроқов. - Лекин барибир 1126 маҳаллага янги кадр қўйиш, уларнинг ишини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш осон бўлмади. Шунинг учун камчиликлар кўзга ташланди, тизимга адашиб келиб қолганлар учради. Аммо шунга амин бўлдикки, қаерда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ёрдамчи биргаликда ишлаётган, бир-бирига ёрдам бераётган бўлса, ўша ерда иш самараси кўринмоқда, натижа бўляпти. Ёрдамчи "мен ҳокимлик вакилиман", деб ўзини балан тугган, оқсоқол "маҳалланинг эгаси менман" деб юрган жойларда бундан ютказган аҳоли бўлди. Албатта, бундай ҳолатларга ўз вақтида чек қўйилмоқда. Маҳалладаги "бешлик", яъни раис, ёрдамчи, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори бир жамоа бўлиб фаолият кўрсатиши керак ва буни уларнинг ўзи ҳам англамоқда.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳоким ўринбосаридан жавоблар олди.

Фазлидин РЎЗИБОЕВ.

ЎЗГА ЮРТДА,

ВАТАНДАН ВА ЯҚИНЛАРДАН ОЛИСДА

КЎНГИЛСИЗ ҲОЛАТГА ТУШМАЙ ДЕСАНГИЗ...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Суннатилла ака, ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолият мақсади нималардан иборат? Бугун хорижда ишлаш истагида бўлган ҳар қандай фуқаро ҳам афсуски, бундан хабардор дея олмаيمиз.

- Айнан шундай. Шу сабабли хорижда ишлаш мақсад қилган кўпчилик фуқаролар бевосита шу ишга масъул расмий ташкилот - Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига эмас, аксинча, фирибгарликни мақсад қилган кишиларга мурожаат қилади, уларга ишонч билдиради. Оқибатда эса ҳали четга чиқиб улгурмай, баъзан эса хорижда борганидан сўнг алданганини тушунади. Ана шундан кейингина улар агентликка ёрдам сўраб мурожаат қилади. Афсуски, бугун ҳам бу каби ҳолатлар кўп учрапти. Эҳтиомл, фаолиятимизни ёритишда ўзимиз ҳам фаол бўлишимиз, бу каби ҳолатларнинг олдини олишимиз керакдир.

Бугунги кунда агентликнинг устувор вазифаси фуқароларга хорижда меҳнат фаолиятини олиб бориш ва меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга ишга жойлаштиришда кўмаклашишдан иборат. Бу йўналишда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, хавфсиз, тартибли, қонуний меҳнат миграцияси тизимида фуқароларни ишга юбориш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилади. Энг муҳими, кейинги йилларда соҳада меъерий-ҳуқуқий база яратилди. Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш мақсадида 2016-2022 йилларда соҳага доир 17 муҳим ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иккита қонуни, Президентнинг тўққизта қарори, битта фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бешта қарори қабул қилинди.

- Меҳнат мигрантларини касбга тайёрлаш ва тил ўргатиш мақсадида қисқа муддатли курслар ташкил этилган эди. Уларнинг самараси кўриняптими?

- Вилоятда хорижда ишлаш учун кетмоқчи бўлган фуқароларни касбга ва чет тилларига ўқитиш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида "Ишга марҳамат" мономаркази ҳамда 4 та касб-хунарга ўқитиш маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, қурилиш соҳасида 16 йўналишда мутахассис тайёрлаш маркази ишга туширилди. Шунингдек, Японияда ишлаш учун "Япон тили ва махсус касбий малака тайёрлаш" курслари, Германияда ишлаш учун кетишдан олдин тайёрлаш маркази каби хорижий ўқув муассасалари ташкил этилган. Японияда қишлоқ хўжалиги, қарияларни парваришлаш ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишлаш истагидаги 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқароларни "Ишга марҳамат" мономарказида япон тили курсларига ўқитиш йўлга қўйилди. Фуқаро ишсиз бўлса, ўз ҳудудидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси асосида бепул ўқиши мумкин. Дарслар малакали мутахассислар томонидан 6 ой давомида олиб борилади. Курсларни муваффақиятли тугатиб, япон тилини N4 даражада ўзлаштирган фуқаролар иш берувчилар талаби билан агентлик томонидан танлов асосида ташкилий ҳолда Японияга ишга юборилади.

Жорий йилнинг 9 ойида мономарказлар, касб-хунар марказлари ва қисқа муддатли курсларда хорижда ишлаш истагида бўлган 4,5 минг нафар фуқаро касбга ва чет тилларига ўқитилди. Ўқув жараёни муваффақиятли яқунлаган 119 нафар тингловчи рус тили, 11 нафарига япон тили бўйича сертификатлар берилди.

- Юртимиздан хорижда ишлаш учун кетаётганлар асосан, Россия Федерациясига йўл олади. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинми, миграциянинг географиясини кенгайтириш жуда муҳим.

- Албатта, тўрт-беш йилдирки, бу йўналишда фаол иш олиб борилади. Хусусан, салоҳиятли иш берувчилар билан 399 та ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш мақсадида Германия, Польша, Сербия ва Англия давлатларининг ишга жойлаштириш соҳасида ваколатли компаниялари билан тузилган шартномалар асосида хорижий иш берувчилар иштирокида танловлар ўтказилмоқда. Фуқароларни ривожланган давлатларга, яъни кўпроқ маош бериши мумкин бўлган мамлакатларга юбориш бўйича шу давлатларнинг иш берувчилари билан доимий музокаралар олиб борилади. Мақсад юрдошларимизни фақат бир ёки икки давлатга боғланиб қолмасдан, хорижда манзилли, хавфсиз иш билан таъминлашдан иборат.

Жорий йилнинг 9 ойида Сербияга 68 нафар, Англияга 6 нафар, Жанубий Кореяга 278 нафар ва Германияга 5 нафар фуқаро ишга юборилди.

- Хориждаги меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, ижтимоий ва лозим пайтда моддий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир неча мамлакатларда агентликнинг вакилликлари иш бошлаган эди.

- Бугунги кунда Корея Республикасининг Квангжу, Қозғистоннинг Чимкент, Туркиянинг Истанбул, Россия Федерациясининг 16 та шаҳрида агентликнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Хорижда юрган фуқаролар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бошпанасиз қолганда ва оғир вазиятга тушганда ваколатхоналарга мурожаат қилишлари мумкин. Жорий йилнинг 9 ойида хориждаги 2 минг 142 нафар юрдошимизга ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, меҳнат мигрантлари учун сўғурта полислари ташкил этилган. Аэропортда махсус хона ташкил этилиб, агентлик томонидан хорижда ишга кетаётган фуқароларга сўғурта полиси берилди ва у қайси давлатда ишлаётган бўлса, керак пайтда ўша ҳудуддаги вакилга мурожаат қилиши мумкин. Бугунгача хорижда ишлаш учун кетаётган 6 минг 48 нафар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиги сўғурта қилинди.

Меҳнат миграцияси орқали хорижда чиқиб кетаётган 431 нафар фуқарога "Микрокредитбанк" томонидан ишга жойлашиш харажатларини қоплаш учун микроқарзлар берилди. Бундан ташқари, вилоятда мунтазам равишда хорижий иш берувчи компаниялар иштирокида меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда.

- Хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига иш топишда қандай ёрдамлар кўрсатиляпти?

- Қайтиб келган меҳнат мигрантлари билан суҳбат ўтказилиб, қизиқиши ва касбига қараб, бандлиги таъминланяпти. Жумладан, жорий йилда хориждан қайтиб келган 95 нафар фуқарога ўз тадбиркорлигини бошлаши учун кредит ажратишда кўмак берилди. Бундан ташқари, қайтиб келган 21 нафар фуқаро тадбиркорликка ўқитилди. Шунингдек, қурилиш соҳасида ишлаш истаги бўлган 358 нафар фуқаро қурилиш корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Албатта, ишлаш мақсадида чет элга кетаётган ватандошларимиз тезда етиб бориб, оиласига пул жўнатишни истаиди. Бирок, бирор хунари йўқ, борган мамлакат қонуничилигидан хабардор бўлмагани оқибатда турли муаммоларга дуч келади. Унутмаслик лозимки, қайсидир хорижий мамлакатда ишлаш мақсад қилган киши аввало, бирор касбини пухта эгаллаши ва ўзи бормоқчи бўлган давлат тилини маълум даражада билиши лозим. Ана шунда Ватандан ва яқинларидан олисда кўнгилисиз ҳолатларга тушиб қолмайди.

Сулаймон МАРДИЕВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектлари яхшиланади. Масъуллар жойларда аҳоли билан учрашиб, жорий йил якунига қадар маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режалар тўғрисида маълумот бериб, галдаги вазифалар муҳофизат қилинди.

- Қарорга асосан, ушбу дастурлар доирасидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармалари орқали молиялаштирилади, - дейди вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси

МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНАДИ

бошлиғи И.Жабборов. - 2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмади ва ушбу маблағлар 2023 йилда дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини яқунлашга йўналтирилади.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳуқуқий ва экологик маданиятни тарғиб қилиш бўлими ҳамда вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари Пахтачи туманидаги Ёбу, Ободон, Мирзо Олим ва Мирзо Улуғбек номи маҳаллаларида бўлиб, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича бажарилаётган ишлар, дастур доирасида амалга оширилаётган

тадбирлар билан танишди. Шунингдек, келгуси режалар муҳофизат этилиб, чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу каби ўрганишлар Нуробод туманида ҳам олиб борилди.

Қарор билан белгиландики, туман (шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб боради. Яна бир муҳим жиҳати, дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул комиссияси таркибига маҳалла раислари киритилди ҳамда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради.

С.МАРДИЕВ.

Ниҳол меҳрсиз кўкармайди



"Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида юртимизда "долзарб 40 кунлик" ўтказилмоқда.

Аслида ташаббуснинг негизида катта меҳнат ва ҳаракат самараси бор. Чунки ҳаётимизни дарахтлар ва яшил ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир куз охирида, дарахтлар ва ўсимликларнинг уйкуга кетиш даври бошланяпти. Шу вақтда экилган ниҳол ва кўчатлар ўтказилган жойига яхши мослашиб, эрта баҳордан ривожланиши тез бўлади. Бундан ташқари, дарахтзор бўлган жойларда экотизимнинг фаоллиги ҳам ошади.

Дарахт экишнинг мақсади биргина яшил макон яратиш, манзара учун эмаслигини тўғри тушунишимиз лозим. Бу орқали табиий экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олди олинади. Мисол учун, дарахт экилган майдонда экотизим яхши ривожланади, атмосфера ҳавоси ҳам экологик нуқтани назардан тоза бўлади, чўлланиш камаюди, сел хавфининг олдини олади.

Севара АДИЛОВА, Булунғур туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Оқдарё туманида "EVRO tbm" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона иш бошлади. Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага 6,8 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритилган.

БЕЛЬГИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР Оқдарёдаги лойиҳага сармоя киритди

- Бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонга сармоя киритиш учун иқтисодий тадқиқотлар олиб борган эдик, - дейди бельгиялик сармоядор Филип Госсент. - Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш кузатилаётгани эътиборимизни тортди. Тошкент вилоятида электромобиль ишлаб чиқарувчи завод қурдик. Бу иккинчи лойиҳамиз ҳисобланади.

Ҳозирда корхонада 40 нафар фуқаро иш билан таъминланган. ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими сертификатига эга бўлган корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари замонавий технологиялар асосида ташкил этилган.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, жаҳонда ҳар йили 55 мингдан зиёд киши кутуриш касаллигидан вафот этаркан. Ҳар 10 дақиқада бир киши хасталик қурбонига айланади. Беморларнинг 40 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Ушбу касалликнинг кўзгатувчилари асосан ит, тулки, бўри, шоқол, шунингдек, мушуклар ҳисобланади. Шунинг учун уй ҳайвонлари ҳар йили давлат ветеринария бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг эгасига гувоҳнома берилиши керак. Сўнгра эмлангач, гувоҳномага тегишли белги қўйилади.


Фуқаролар итнинг қочиб кетмаслиги, одамларга ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўришлари лозим. Итни сайрга олиб чиққанда, махсус белги, яъни токен бириктирилган бўлиши керак.

Кўпчилик касалликка гумон қилинган уй ҳайвонлари ўлган тақдирда, ветеринария ходимларига мурожаат қилмасдан, жасадларни чиқиндиҳонага ташлашда ёки уйдан озуқроқ жойда кўмиб қўйишда. Бу ҳудудни ифлослантириб, кутуришга чалинган ҳайвон билан алоқада бўлган бошқа ҳайвонларга хавф туғдиради.

Афсуски, бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларда эгасиз итларни кўп кўраимиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги "Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кўра, ҳар йили 55 мингдан зиёд киши хасталик қурбонига айланади. Беморларнинг 40 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Махзуна НАСРИДДИНОВА, вилоят санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи.

КИБЕРСПОРТ



алоҳида спорт тури сифатида тан олинди, энди қандай ўзгаришлар бўлади?

Киберспорт (cybersport ёки esports деб ҳам аталади) - виртуал видео ўйинларга асосланган жамоавий ёки индивидуал мусобақа. Уйин илк бор Россияда расмий спорт тури сифатида тан олинган. Ушбу спорт тури билан нафақат ёшлар, балки ёши катталар ҳам шуғулланиши мумкин. Уйиннинг асосий воситалари - компьютер ва мобил қурилмалар.

Барча спорт турлари каби бу ўйинда ҳам қондалар мавжуд. Уйин вазифалари ривожлантиришга қаратилгани билан ажра-

либ турадиган бир неча асосий синфларга бўлинади: биринчи шахс, реал вақт стратегиялари, спорт симуляторлари, автоулов

симуляторлари, ҳаво симуляторлари, жанговар ўйинлар, тактик ва стратегик ўйинлар элементлари билан жамоавий роль ўйнаш ўйинлари ва бошқалар.

Ютуқли пул муқофоти бир неча миллион АҚШ долларигача етиши мумкин. Масалан, "Дота 2" халқаро турнири бир неча бор тўлов рекордларини янгилади. 2017 йилда 25 миллион доллар, 2018 йилда 26 миллион доллар, 2019 йилда 34 миллион, 2020 йилда 40 миллион доллар ва ҳоказо.

Киберспортчилар тарихи маҳаллий тармоқ орқали кўп ўйинчига эга бўлган "Доом 2" билан бошланди. Қуяке ўйинининг машҳурлиги туфайли 1997 йилда АҚШда биринчи киберспорт лигаси - Кибератлет профессионал лигаси пайдо бўлган. Расмий экспорт лигалари мавжуд бўлишидан олдин очко тўпланадиган ўйинларда кичик мусобақалар бўлиб ўтган.

Россия ушбу спортни расмий спорт тури сифатида тан олган дунёдаги биринчи мамлакат. 2014 йилда Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети "Интеллектуал спорт назарияси ва усуллари (киберспорт)" таълим

дастурини амалга оширишни бошлаган. 2015 йилда Россия, МДХ ва Шарқий Европадаги энг йирик спорт ташкилотига айланган ЭСФОРС рўсумдаги киберспортга асос солинган.


Ўзбекистонда киберспорт ўйинлари 2016 йилдан оммалашган ва ҳозирга келиб, ёшларнинг сеvimли машғулотларидан бирига айланган. Ушбу спорт тури бўйича юртимизда турли мусобақалар ўтказиб келинади. Жумладан, айни вақтда ёшлар ўртасида ўтказилаётган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсумида ҳам киберспорт бўйича мусобақалар мавжуд. Аҳамиятлиси, 2023 йилда ўтказилган Осие ўйинлари дастурига киберспорт ҳам киритилган.

Жорий йилнинг 16 ноябрь кунини давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда ушбу спортни кенг оммалаштириш ва ёшларга қулайликлар яратиш мақсадида "Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Қарорга кўра, киберспорт расман алоҳида спорт тури сифатида тан олинди, киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилиши белгиланди. - Мақсуд қарорда киберспорт турлари бўйича профессионал киберспортчи ва мураббийлар, малакали ҳакам ва шарҳловчилар, шунингдек, бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган, - дейди Ўзбекистон виртуал спорт ўйинлари кибер футбол федерацияси вилоят бўлими сарҳари Жамшид Жўрақулов. - Хусусан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб "Спорт фаолияти: киберспорт" бакалаврият таълим йўналиши очилади. Ушбу йўналиш бўйича ўқиш муддати 3 йил бўлади. "Uzbekistan Esports Championship" республика чемпионатида охириги бир йилда голиб (1-ўрин) бўлган киберспортчилар 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб ушбу университетта бакалаврият таълим йўналишига ўқишга киришда касбий (жодий) имтиҳонларни топширишдан озода қилинади. Уларга максимал балл берилади. Шунингдек, киберспорт фаолиятини ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритиш белгиланди.

Фазлиддин ФАХРИДДИНОВ.

Бугун ривожланган мамлакат саналган АҚШ, Германия ва Европадаги фермер хўжаликларининг тахминан 70 фоизи қишлоқ хўжалигида замонавий ақлли технологиялардан фойдаланмоқда. Масалан, Нидерландияда қишлоқ хўжалигининг турли босқичларида нозик деҳқончилик ва роботлардан, шунингдек, турли хил жараёнларни бошқаришда ёрдам берадиган "Интернет буюмлари" (IoT) дан фойдаланилади.



Олимларимизнинг фикрича, рақамлаштириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг ривожланишига ёрдам беради. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодий имтиёзларига эришган бўлиб, бу борада эса албатта, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этишнинг аҳамияти беқиёс эканлиги барчамизга маълум.

Қишлоқ хўжалигини РАҚАМЛАШТИРИШда илғорлар тажрибасига таянамиз

Корея Республикасида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тажрибасидан ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва инновацион аграр тизимни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги вазирилик бугун мамлакат бўйлаб "ақлли" фермер хўжаликлари ривожлантиришга маблағ ажратиш ишларини кенг қамровда амалга ошириб келмоқда.

Хиндистонда фермерлар билим ва малакасини оширишга, хусусан, фермерларга об-ҳаво, махсулот нархи, экинларни етиштириш учун энг яхши технологиялар ва бошқалар тўғрисида маълумот берадиган мобил иловаларни жорий этишга эътибор қаратилган. Ҳар бир ҳудудда қишлоқ хўжалиги бўйича инновацион ва илмий марказлар ташкил этилган.

Олимларимизнинг фикрича, рақамлаштириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг ривожланишига ёрдам беради. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодий имтиёзларига эришган бўлиб, бу борада эса албатта, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этишнинг аҳамияти беқиёс эканлиги барчамизга маълум. Айниқса, автоматик суғориш тизимини қўллаш орқали деҳқонлар учун турли имтиёзлар мавжуд. Ушбу тизимни амалга ошириш катта капитал қўйилмалар талаб қилса ҳам, умумий фойда юқори ва узоқ муддатда иқтисодий самарадорлигини оширади.

Республикамиз ҳукумати томонидан соҳани рақамлаштириш ва илғор инновацияларга асосланган ҳолда ривожлантиришга, бунда асосий вазифалардан бири сифатида агросаноат мажмуасида технологик ютуқни таъминлаш ва рақамли қишлоқ хўжалиги корхоналарида махсулдорликни оширишга эришиш учун рақамли технологиялар ва платформаларни етиштириш жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини рақамли трансформация қилишга эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг рақамли трансформацияси соҳа мутахассисларидан бугунги замонавий янги билимларга эга бўлиш баробарида, уларга ёрдам берадиган янги "ноодатий" ечимларни талаб қилади.

Шу каби масалалардан бири – "Ўсимликлар химояси ва автоматик суғориш тизими асосланган тупроқ мониторингингидан илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш" мавзусидаги халқаро илмий лойиҳа Хиндистон механика ва муҳандислик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Лойиҳанинг мақсади деҳқон ва фермер хўжаликлари учун автоматик суғориш тизимида тупроқ хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда ўсимликларни химоя қилишда IoT технологияларига асосланган мобил дастурни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Филиалимиз олимлари лойиҳанинг фаолият жараёнида маълумотлар базасини йиғиш, тупроқ таркибини ўрганиш, катта майдонларда қўллаш усуллари, шунингдек, автоматик суғориш тизимини лаборатория шароитида ўрганиб, синовдан ўтказди. Ҳозирда тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали Ахборот-маслаҳат маркази тажриба майдонларида помидор ҳамда картошка экинларида синовдан ўтказилмоқда ва дастурнинг алгоритми ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳа иштирокчилари 2021 йилда Хиндистон механика ва муҳандислик илмий-тадқиқот институтида малака оширган бўлса, 2022 йилнинг 21-25 октябрь кунлари соҳадаги янгиликлар бўйича тажриба алмашиш учун Жанубий Корея давлатида бўлишди.

Хусусан, Ақлли қишлоқ хўжалиги водийси (Smart Farm Innovation Valley)га таширф самарали келди. Мазкур водий ёш фермерларни қўллаб-қувватлаш, ижарага бериладиган ақлли фермер хўжаликлари ҳамда келажакдаги қишлоқ хўжалиги технологияларини тадқиқ қилиш мақсадида мамлакатнинг тўртта шаҳрида ташкил этилган. Ёш фермерларга ақлли фермер хўжалиги бўйича таълим хизматлари кўрсатилади, ақлли фермер хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга тайёрланади. Шунингдек, ақлли қишлоқ хўжалиги технологиясини намоиш қилишда қўллаб-қувватлайдиган "Ақлли фермер хўжалигини кўрсатиш мажмуаси" ва "ақлли хўжалик"ка оид маълумотларни тўплайдиган ва ундан йирик фермер хўжаликлари шакллантириш учун асосий маълумотлар сифатида фойдаланадиган "Йирик маълумотлар базаси" (Big Data) мавжуд.

18-40 ёшдаги 52 нафар истиқболли ёш фермер қулупнай ва помидор бўйича назарий (2 ой), амалий (6 ой) ва бошқарув амалиёти (12 ой) бўйича таълим оладилар. Бу водий

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат кадрларини ривожлантириш институти томонидан бошқарилади.

Ёш фермерлар ҳар бири 3 кишидан иборат жамоаларга бирлаштирилган ва 30 нафаргача киши 10 та майдонни ижарага олиб, деҳқончилик қилиши мумкин. Ёш фермерлар 1 йил давомида муваффақиятли фаолият олиб борганда, мустақил равишда бизнес бошлашлари учун 1 миллион АҚШ долларигача бўлган қийматда 1-1,5 фоизлик банк кредитлари 10 йил муддатга берилади. Ушбу имтиёз фермерликни бошлаш учун яхши қўллаб-қувватлов ҳисобланади.


Ушбу келгуси давр "smart farm" (ақлли қишлоқ хўжалиги) ёш фермерларни тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган. Ўзбекистондан фарқи равишда ёш фермерларни ўқитиш даври кўпроқ ва кейинчалик 10 йил давомида 1-1,5 фоизлик имтиёзли кредит олиш имкониятини беради. Инновацион хўжаликнинг асосий жиҳати, барча жараёнлар иссиқхоналарда қулупнай етиштириш, ҳатто сабзавот қўчатларини етиштириш ҳам smartphone ёки IoT орқали бошқарилади ҳамда доимий равишда назорат олиб борилади.

Ушбу таширф давомида соҳа бўйича илмий-амалий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, кадрлар малакасини оширишда алмашинув дастурларини йўлга қўйиш бўйича келишувларга ҳам эришилди.

Мазкур технологияларни келгусида республикамизда қўллаш, малакали кадрлар тайёрлашда илғорлар тажрибаларини йўлга қўйиш аграр таълим муассасалари учун муҳим аҳамият касб этади. Шу бос 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб "ақлли қишлоқ хўжалиги" (smart agriculture) бўйича магистрлар тайёрлашни режалаштирмоқдамиз.

Шавкат ҲАСАНОВ,
ТДАУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори.

МИЛЛИОН СЎМ ОРТИҚЧА СОЛИҚ ҚАЙТАРИЛДИ



Энди-гина тадбиркорликни бошлаган субъектлар ташуновчиликларга учраш эҳтимоли бор. Шунинг учун уларга кўмаклашиш мақсадида "Солиқчи - тадбиркорга кўмакчи" тамойили доирасида ёрдам бериш йўлга қўйилган.

Тамойил доирасида кўмаклашиш лозим бўлган 190 та тадбиркорлик субъектидан 1 ноябргача 140 та тадбиркорлик субъекти ўрганилиб, 134 тасига ёрдам зарурлиги аниқланди.

Жумладан, дастлабки бухгалтерияни юритишда 37 та, солиқ қарзи тўғрисида маълумот беришда 11 та, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиблари бўйича тушунча беришда 73 та ҳолат кузатилди. Солиқ турларидаги ортиқча тўлов суммасини қайтаришда 6 ҳолатда 11,3 миллион сўмлик тўлов суммаларини қайтаришга кўмаклашилди.

2022 йилнинг октябрь ойида туманда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 287 нафарни ташкил этди.

С.ЎСАРОВ,
Нуробод туман давлат солиқ инспекцияси шўба бошлиғи.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Қаҳрамон СУЯРОВ

Ажойиб инсон, моҳир педагог Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Қаҳрамон Суяров 38 ёшида бахтсиз ҳодиса сабаб вафот этди.



Қ.Суяров 1984 йилда Жиззах вилояти Бахмал тумани Нуширавон маҳалласида таваллуд топди. Урта мактабни битиргач, 2001-2007 йиллар давомида Самарқанд давлат университетининг бакалавр ва магистратурасида ўқиб, иссиқлик физикаси ва молекуляр физика йўналиши бўйича мутахассис бўлди.

Қаҳрамоннинг келажакдан умидлари катта эди. Ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиш баробарида турмуш ўроғи билан уч ўғилни катта қилаётганди. Қ.Суяров қаерда, қайси вазифада ишлагани, ўзининг ташаббускорлиги ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида хурмат қозониб келаётганди.

У иш фаолиятини Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ахборот технологиялари бўлими мутахассиси вазифасидан бошлади. 2013 йилдан Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш бўлими курс координатори, ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими методисти бўлди. Қ.Суяров кейинги йилларда вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази жамоаси.

Ажойиб инсон, таълим соҳаси жонқураи Қаҳрамон Суяровнинг порлоқ хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва яқинлари қалбида яшайди. Унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирамиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГЛАРНИ ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ.

Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали вакант лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири лавозимига:
- мактабгача таълим ва педагогика;
- бизнесни бошқариш;
- ахборот технологияси.
Ассистент-ўқитувчи лавозимига (1 ўрин):
- гуманитар фанлар;
- мактабгача таълим ва педагогика;
- бизнесни бошқариш;
- ахборот технологияси.
Ҳужжатлар (филиал директори но-

мига ариза, паспорт нусхаси, маълумотнома (объективка), 2 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат, тасдиқланган илмий ва услубий ишлар рўйхати, дипломларидан нусхалар, сўнгги 3 йилда малака оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхалари) газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.
Номзодлар замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўз-

лаштирган бўлиши шарт. Илмий даража ва унвонга эга бўлиш, чет тилини яхши ўзлаштирилганлик танловда устунилик беради.
Танловда қатнашишни хоҳловчилар батафсил маълумот олиш учун филиал ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
МАНЗИЛ: Каттақўрғон шаҳри Амир Темур кўчаси, 27-ўй.
Телефон: +99899-338-89-66.
E-mail: samduk_devonxona@edu.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд вилояти адлия бошқармасидан 2013 йил 1 мартда 192 реестр рақами билан рўйхатга олинган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NANO OIL" Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси (қисқартирилган номи: МЧЖ "NANO OIL" ҚК) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Жомбой туман саннат зонаси ҳудуди.
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207174446.

9 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рамазанов Нуршен Уршенович нотариал идорасида марҳум Бурханова Фароғатой Сергеевнага (2021 йил 20 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рамазанов Нуршен Уршенович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 50/34-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рамазанов Нуршен Уршенович нотариал идорасида марҳум Козимов Раимга (2021 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рамазанов Нуршен Уршенович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 50/34-ўй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қорақўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасида марҳум Вахобов Аликулга (2020 йил 5 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қорақўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

30 сентябрда вафот этган) га тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг ушбу нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Ургут тумани Почвон кўрғони.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Аллабердиев Бахтиёр Худайбердиевичга (2021 йил 28 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Салманов Джаракулга (2017 йил 26 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-ўй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Маллаева Хамида Нажмитдиновнага (2021 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-"А" ўй.

ЙЎЛИМИЗ ТАЪМИРЛАНДИ

Бугун вилоятимизнинг чекка ҳудудлари ҳам обод бўляпти. Яқинда қишлоғимизнинг 3 километр йўли тўлиқ таъмирлангани бизни қувонтирди. Қишда лой, ёзда чанг бўладиган йўлимиз бугун шаҳар кўчаларидан қолишмайди.
"Жомбой яшил чироқлари" МЧЖ ва "Тойлоқ тумани йўл қурувчилари" МЧЖ ишчилари Ҳ.Шодмонов, Қ.Расулов, Э.Зайниддинов, Э.Худойкулов, Қ.Аллаев, З.Ахматов ва М.Примқулов меҳнатлари билан йўл қурилишига ўз хиссасини қўшди. Ушбу хайрли ишда бош бўлган вилоят ҳокимига қишлоғимиз аҳолиси номидан ўз миннатдорлигини билдираман.
Муқаддам ЯХШИБОЕВА,
Булунғур тумани "Боғбон" маҳалласи.

учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қорақўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисровна нотариал идорасида марҳум Хан Раиса Михайловнага (2018 йил 23 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисровна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-ўй.

Ургут Баҳрин маийш хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Фаттоев Исролом Раҳмон ўғли номига берилган рўйхат рақами 58, К № 5116125 рақами диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Қўшработ туманидаги "NAVRUZ BOG'LARI" фермер хўжалигининг (СТИР: 305455846) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!
Фуқаро Худайбердиев Бахтиёр Ашурматовичнинг фуқаролик паспорти ва хорижга чиқиш паспорти Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.
Телефон: +99888-394-79-69.
Паст Дарғом тумани 4-сон касб-ҳунар мактаби жамоаси ва касабга уюшма кўмитаси мактаб хўжалик мудири Боғир Мамадалиевга онаси Каромат она ТОИРОВАНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"МЕХАНИЗАТОР" БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИЛИК ШИРКАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
2022 йил 30 декабр кuni соат 10:00 да "Механизатор" боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилиши ширкат ҳудудида ўтказилади.
КУН ТАРТИБИДА:
- Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 731-сонли "Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини тартибга солишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти билан ширкат аъзоларини таништириш;
- ширкат бошқаруви раиси ва тафтиш комиссиясининг 2020-2022 йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи;
- ширкат бошқаруви аъзолари, бошқарув раиси ҳамда ширкат тафтиш комиссиясини ваколат муддатлари бўйича қайта сайлаш;
- ширкат аъзоларига тегишли ер участкаларига мулк, ер солиқлари, аъзолик бадаллари ўз вақтида тўлаб борилиши масаласи;
- ширкат ҳудудини ободонлаштириш масаласи.
Манзил: Самарқанд тумани "Янгиҳаёт" МФЙ, "Механизатор" ширкати.

УНУТИЛМАС КҮН



(Давоми. Бошланиши 2022 йил 19 ноябрь 136-сонда)

Эрталаб одатдагидек барвақт уйғондим. Телеграм ишлайдиган биринчи қаватга тушишим биланоқ СМС табриқлар ёғила бошлади. Бу кун мен учун қўшалок байрам бўлди. Ҳаётининг байрами кунда инсониятнинг бош муаллими, Расул ул Акрам Мухаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг қутлуг қабрларини зиёрат қилдик. Мандан пайғамбаримизга салом айтиб қўйишимни сўраган барча кишиларнинг номларини айтиб, саломларини етказдим. Салом айтган ва айтмаган ҳамма умматлар саломат бўлишларини тилаб, дуои хайрлар қилдик. Сўнгра Масжид ун Набавийда ибодат билан машғул бўлдим. Мухими, пайғамбаримизнинг равзаи муборақларига аср намозини ўқиш бахтига мушарраф бўлдим.

Мадина мен кўрган, билган шаҳарларнинг энг гўзали, энг чиройлиси. Ҳавоси салқин ва ёқимли, ҳаёти осойишта. Кўчалар, машиналар ҳам ҳаммаси топ-тоза, ялтиради. Шаҳарни гўёки жаннатмонанд дунёнинг кичрайтирилган бир шакли, дейсиз. Ҳар бир бино, ҳар бир иншоот эринмасдан катта дид ва ҳафсала билан қурилгани кўриниб турибди. Айниқса, йўллар қурилишига катта меҳнат сарфланган.

Бу ерда жаҳоннинг барча мамлакатларидан келган, барча тиллардаги, барча шакл-шамолдаги инсонларни учратасиз. Ҳатто бугунги нотинч замонидаги бир-бири билан терс халқларнинг вакиллари ҳам бу ерда оға-ини, опа-сингиллардек апоқ-чапоқ. Гарчанд, тилларини тушунамасалар-да, имо-ишоралар билан бир-бирига меҳр-муҳаббатларини изхор эта билдилар. Ушбу мисраларнинг битилишида наманганлик ҳамдонимиз Абдуҳалил аканинг ҳам катта ҳиссалари бўлди. Агар у кишининг бедорлик бахш этувчи уйқуларни бўлмаганида, эҳтимол, бу сатрлар қозғога, аниқроғи, телефон экранига тушмаган бўлармиди...

У киши Самарқанддаги кооператив институтида ўқигани ҳамда тенгшоҳ бўлганимиз боис бир-биримиз билан чинакам дўстлашиб қолдик. Абдуҳалил акани шўро замонида Ўрта Осиёдаги ягона олий савдо илим даргоҳида ўқиганлиги у кишининг анчайин жиддий одам эканлигидан далолат беради. Чунки ўша замонларда бу институтга киришни ҳар ким ҳам удалай олмасди.

УХУД ТОҒИ, ХУРМОЗОР БОҒИ

Иккинчи октябрни эрталаб Ухуд тоғидаги Шаҳидлар мазорини зиёрат қилиш билан бошладик. Саёҳатимизга йўлбошчилик қилаётган укамиз Абдулборий бизга кўп ибратли воқеаларни сўзлаб берди. Пайғамбаримиз даврларида бу ерда мусулмонлар билан ғайридинлар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, кўп ислом жангчилари шаҳид бўлган экан. Ажаблანарлиси шундаки, мазорларки устида ҳеч қанақа қимматбаҳо ёдгорлик ёки қабртошлар ўрнатилмаган. Ана шунда мен юртдошларимиз томонида марҳум ва марху-

малар қабри узра тикланган дабдабали мрамар ёдгорликларни кўз олдимга келтириб, турли ҳаёлларга бордим. Ислому йўлида жонларини тиккан шаҳидлар хотирасига дуои фотиҳалар қилиб, кейин пайғамбаримиз яхши кўрган машҳур хурмозор боғга қараб равона бўлдим. Йўлда Масжид ул Қиблатайн (икки қиблали масжид)га ҳам кириб ўтишимиз кўзда тутилган эди. Аммо у ерда қайта қуриш ишлари давом этаётганлиги сабабли боришимни иложи бўлмади. Ушбу масжидда намозхонлар бир муддат муқаддас шаҳар Қуддусга юзланиб, ибодат қилишган. Аммо пайғамбаримизга ваҳий келгач, у киши сажда томонини Маккаи мукаррама томонга буришга кўрсатма берганлар. Бунда бир қанча иймони суст диндорлар исломдан юз ўгириб, муртад бўлишгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Ушбу воқеа муқаддас динимиз тарихида ўзига хос бир синов бўлгани боис масжид номида абадий муҳрланиб қолган. Автобусимиз йўлда давом этиб, "Қуръон" китоби чоп этиладиган босмахонага жўнади. Бу шунчаки босмахона бўлмай, китоб ишлаб чиқарувчи йирик бир завод деса ҳам бўлаверар экан. Корхонага саёҳат охирида ҳаммамизга биттадан муқаддас китоб ҳадя қилишди. Шундан сўнг ислом тарихидаги илк барпо этилган ибодатгоҳ "Масжид ул Кубо"га бориб қўниб, икки ракат намоз ўқидик. Масжиднинг бундоқ аталишига сабаб: Кубо тепалигида жойлашгани экан. Шу ерда пайғамбаримизнинг туялари чўкиб, биринчи масжидга пойдевор қўйилган. Ҳозир оппоқ тусдаги бу қутлуг гўша Мадинага кўрк бўлиб турибди.

Тушлиқдан сўнг Масжидун Набавийда ибодатимизни давом эттирдик. Шу кун қаттиқ чарчаган эканмиз, чуқур уйқуга кетибман. Ҳикоямиз қаҳрамони хонадошим Абдуҳалил аканинг шарофати тўғрисида ушбу сатрлар яна телефон хотирасига киритиб қўйилди. Яхшиямки, жонсиз темирнинг хотираси биз унутувчан инсонларнинг эсимиздан кўра минг марта, миллион марта аъло. Умуман, одам ақли самараси бўлмиш жонсиз буюмларнинг баъзи бир томонлама инсонлардан чандон ўзиб кетаётганлиги кўнгилга чуқур ҳавотир пайдо қилади. Мабоодо эрта улар бошқа соҳаларда ҳам одамлардан ўзиб кета бошласа, нима бўларкин?! Шу ўй-хаёллар билан яна қандай уйқуга кетганимни билмай қолибман.

Эрталаб туриб, таомланганимиздан сўнг одатдаги ибодатлар билан машғул бўлдим. Мен то чидадим етганига қадар, яхши қўриб қолган жойим - Масжидун Набавийда қазо намозларимни адо этдим. Бундай қўлай имкониятни қўлдан бой бермаслик ҳаракатида бўлдим.

Шу кун пешин намозидан кейин гўсл қилиб, эҳромга кирдик. Соат иккида автобусларга чиқиб, Маккаи Мукаррама сари йўл олдик.

ОРЗУ САРИ ЙЎЛ

Айтишим мумкинки, бу йўл қанчалик машаққатли бўлмасин, интилган кишига ғоят раван экан. Мен ҳали бирор жойда бунақа текис ва чиройли қилиб қурилган асфальт йўлни

кўрган эмасман. Йўл четларида оғохлантурувчи, тақиқловчи ҳаракат белгилари минимал даражада кам. Аксинча, жой номлари ва биз болаликдан қўлогимизга ўрнашиб қолган "Аллоху Акбар", "Субҳоналлох", "Алҳамдулиллох" сингари илоҳий сўзлар чиройли панноларда битиб қўйилган.

Саудия Арабистонини тоғлар диёри деб аташ ҳам мумкин. Бу ерда шаҳарлар, қишлоқлар тоғлар устида қурилган, десам асло муболага бўлмайди. Тоғлар унчалик баланд бўлмай, ҳар жой, ҳар жойда чўққилар кўринишида намоён бўлади. Уларнинг ранги қора тўша бўлиб, ён бағирлари гиёҳ битмайдиган тошлардан иборат. Орадаги кичик-кичик нотекис водийлар ҳам қоп-қора майда тош-шағаллар билан қопланган. Мен бу жойларни автоматик қурилмалар Марс сайёрасидан суратга олиб жўнатаётган манзараларга ўхшатдим. Хуллас, бу жойлар бизнинг кўзимиз ўрганиб қолган Ер қиёфасига сира-сира ўхшамайди. Шу боис ҳам менга автобусимиз гўё ўзга сайёрада ҳаракатланаётгандек туюлди. Бу билан айнан шундай суратни яратиш фикридан йироқман. Албатта, ҳар бир киши бу жойларни ўзича, ўзгача кашф этиши шубҳасиз.

Йўлда талбиялар айтиб, масжидларда аср ва шом намозларини адо этиб, кечқурун соат ўнларда муқаддас Макка шаҳрига кириб бордик. Ун икки қаватли "Nokhba al khayr" меҳмонхонасининг учинчи қаватидаги 314-хонага жойлашдик. 313-хонада учаламизнинг рафиқаларимизни ўринлаштиришди. Меҳмонхонага жойлашиб олганимиздан сўнг автобусларга ўтириб, Каъба сари отландик. Йўлбошимиз Абдулборий бизга пайғамбаримизнинг уйлари томонини кўрсатди. Бу жойлар Макканинг энг обод гўшаларидир. "Қуръон"да лаънатланган Абу Лаҳабнинг уйи ўрнида эса ҳозир хожатхона жойлашган экан.

Бир кунни Абу Лаҳаб одамларга мактабиди: "Мен ҳали шунақа мусулмон бўлайки, Мухаммаднинг мен ҳақимдаги иғвоси чиппака чиқади", дебди. Аммо унга умри вафо қилмади. Исломига киришга улгурмай, кофирлигича ёруғ дунёни тарк этди. У битта нарсани тан олишни истамади, китобда айтилган гап Мухаммаднинг эмас, яратган Эгамнинг ҳукми эди. Агар у мактабим, мусулмон бўлишимни қутмасдан, ўша заҳотиёқ иймонга кирганида, балки тақдири ўзгача бўлармиди?! Бу ёғи энди менинг ожизона ўй-хаёлларим ҳосиласи. Нима бўлганда ҳам бу воқеалар тафсилотида катта ҳикмат бор: одамлар, яхшиликка ўзгаришини кутманг, ўзгаришни ҳозирроқ бошланг, нажот топасиз.

Биринчи марта Каъба дарвозасидан кирар эканман, дастлаб мен унинг ҳайбати ва улғуворлигини ҳис қилдим. Унинг атрофидан айланиш давомида Аллоҳга ҳамдлар айтиб, гуноҳларимизни кечирилишни илтижо қилдик. Кейин барча билган одамларим: аввало отам, онам, боболарим, катта оналарим, укам, синглим, қайнотам, қайнонам, тоғаларим, холаларим, аммаларим, қавм-қариндошлар, қуда-андалар, кўни-қўшниллар, ёр-биродарлар, пиру устозлар ва шу заминда яшаб ўтган улғу инсонлар, мўминну мўминналар, муслиму муслималар ҳақида дуои хайрлар қилдик, ёруғ дунёдан ўтганларга раҳмат, тириқларга умр ва саломатлик, дунёга тинчлик, халқларга фаровонлик тиладик. Илоҳим Аллоҳ ибодатларимизни ўз даргоҳига қабул қилиб, дуои хайрларимизни ижобат қилган бўлсин, омин!

Каъбада Умра зиёратининг тўрт амалини тўлиқ адо этиб бўлгач, 4 октябрга ўтиб, тунги соат учларда меҳмонхонамизга қайтдик. Ҳамма янги ҳожилар бир-бирларини қутлуг зиёрат билан табриқлашди. Каъбани яна зиёрат қилиш ниятини кўнглимга тугиб, бу қутлуг гўшани тарк этдик. Тонгда бомдод намози ва нонушта билан янги кун бошланди.

Худойберди КОМИЛОВ. (Давоми бор).

Зиёратнома

Инсон ўз касбига меҳр қўйиб, унинг барча машаққатларига чидаса, бир кун келиб, роҳатини кўради. Касб инсонни элга танитади, ҳурмат-этиборга сазовор қилади. Шундай инсонлардан бири тажрибали раҳбар Феруза Жабборовадир.

Касбидан бахт топган аёл

Феруза Жабборова 1970 йилнинг 7 ноябрь куни Паст Даргом туманида дунёга келди. Отаси Маҳид Жабборов тумандаги 11-ўрта мактабда 40 йил ўқитувчи, шундан 25 йил директор вазифасида ишлаган. Онаси Гулсара опа эса уй бекаси бўлиб, беш нафар фарзандни тарбиялади.

Феруза оилада учинчи фарзанд, 1987 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, Самарқанд давлат педагогика институтининг (ҳозирги СамДУ) рус филологияси факультетига ўқиди.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 44-умумий ўрта таълим мактабидан бошлади. 1999 йилда шахримиздаги 29-мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб келди. Ундаги ғайрат ва ташаббускорлик тўғрисида 2005 йилда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўлими ўринбосари, кейинроқ эса ўқув ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Феруза Жабборованинг ўз ишига жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги унга яна-да масъулиятли вазифани юкляди. У 2016 йилда шахримиздаги 49-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди.

Бугун ушбу мактабда 1232 нафар ўқувчи таҳсил олади. 2020-2021 ўқув йилида 11-синф битирувчиларининг олий таълимга кириш кўрсаткичи 48 фоиз бўлса, ўтган ўқув йилида бу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, мактаб ўқувчилари шаҳар ва вилоят фан олимпиадаларида қатнашиб, ижобий натижаларга эришмоқда. У муваффақият-



лар тинимсиз меҳнат, ўз касбига садоқат ва аҳил мактаб жамоасининг бирдамлиги самарасидир.

Ф.Жабборова оиласида ҳам меҳрибон она, турмуш ўртоғи Зокир Ҳайитов билан бирга икки нафар фарзандни воёга етказди, олий маълумотли қилди. Улар бугун Ватан равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда.

Феруза опа ўзи истиқомат қилаётган Мевазор маҳалласининг энг фидойи аёлларидан бири. Унинг маҳалла аҳлига қилаётган ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

Ўз касбига меҳрибон аёл бугун мактабда таълим сифатини янада ошириш борасида изланмоқда. Унинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

Фарҳод НОСИРОВ, меҳнат фахрийси. Искандар ТЕМИРОВ, фахрий журналист.

«ТЕЛЕГРАМ»ДАГИ БИТИКЛАР

Кўшнингнинг хотини эрини ярим соат қарғаб, бирор марта тутилмади. Ўқитувчи барибир ўқитувчи-да!

Хотин эрини ишхонадаги аёллардан қизғанадиган ва қаттиқ қўриқлайдиган хонинга миннатдорчилик билдирди.

Чиройлисига учма, болам. Чиройли гул мева беравермайди, дейишади.

Кунларнинг ортидан қувиб етолма-ялман.

Ҳаёт – фолбин! Доим сенинг бахтиёрлигинг ва менинг бахтсизлигимдан фол очади!

Юсуф деган укамнинг хотини уни қизларга қараманг, деб қойийди. У эмас, унга қизлар тикилиб қўямаслигини айтолмайди, шўрлик.

Кўп йиғинма! Тобутнинг ичига кўп нарса сиймайди!

Алишер АЙМАТЛИ.

Одатим шу: вақти-вақти билан Самарқанддаги кўнра обидалар, хусусан, Шоҳи Зинда ва Регистонни зиёрат қиламан. Шундан кейин руҳим энгил тортади. Очиғи, баъзан бу ерга келувчиларнинг иштиёқ ва кайфияти, ҳайрат завқ-шавқи ҳам менга мўъжизадек туюлади...



Келин-куёвнинг Регистондаги аҳди

Бир кунни бу ерда Ойбек деган танишимни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, "Опа, мен ҳам сизга ўхшаб тарихий обидаларни яхши кўраман, мавриди билан бу ерга келиб тураман", деди. Бу гал Ойбек ҳамкасблари Илҳом ака, Фарҳод ака билан келган экан. Учала йигит ҳам нафақат Регистон майдонидаги обидалар, балки халқимиз тарихига оид бошқа фахрли тарих ҳақида ҳавас билан гапиришди. Шу пайт ёнимиздаги ўриндиққа нотаниш қиз билан йигит келиб ўтиришди. Очиққина эканлар. Беихтиёр суҳбатимизга қўшилишди. - Сурхондарёдан келдик. Бу киз курсдошим Малоҳатхон. Яқинда турмуш қураимиз. Ота-онамиз бундай улғу масканларни зиёрат қилиб келишимизни сўрадилар.

- Жуда тўғри иш тугибсизлар, олтингизга раҳмат, - деди ҳарқалай иккита олий ўқув юртини битирган, ҳокимликда бир неча йилдан буён ишлаётган Фарҳод ака. - Мана шу биноларни ҳам бир пайтлар сизу бизга ўхшаган миллатимиз вакиллари барпо этишган. Қолаверса, бу бинолар ичида иккита Ренессанс даврининг улғу даҳолари фаолият кўрсатишган.

Мен эса яна хайратдаман. Қани энди, ҳар биримиз эзгу ишнинг бошланишида мана шу ишни қилсак. Еки гуноҳимизга тазарруни ҳам, тавбани ҳам ана шу муқаддас жойда қилсак.

Мавлуд РЎЗИЕВА, Иштихон туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактаби тарғиботчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

Тил - аждодлар меросини авлодларга етказувчи улғу қарвон

1705 йил Парижда чоп этилган "Мўғуллар империясининг умумий тарихи" номли китобда XVI асрда Акбаршоҳ томонидан ўтказилган бир ғаройиб тажриба ҳақида ёзилган.

Асарда таъкидланишича, улғу шоҳ "Бирон бир тилга ўргатилмаган одамнинг табиий тили яҳудий тили бўлади", деган ғайриилмий гапни эшитиб қолади. Шунда Акбаршоҳ болага ҳеч қандай тил атайлаб ўргатилмаса, у чиндан ҳам қайси тилда гапирадиган бўлишини билишни истади. Ана шу мақсадда шоҳ 12 нафар эмизикли болани Аградан олти мил узоқлик-



даги қалъага жойлаштиради, уларни тарбиялашни 12 нафар соқов эзнага топширади. Тилсиз қоровулга қалъа дарвозасини очиш қатъиян тақиқланади. Болалар ўн икки ёшга етгандан, шоҳ уларни хузурига келтиришни буюради ва саройга барча тилларни биладиган донишмандларни ҳам тақлиф этади. Аграда яшайдиган яҳудий болалар чиндан ҳам яҳудийча гапириш ёки гапирмасликларига ҳакамлик қилиши керак эди. Аграда араблар ва халдей (сомиллардан бўлган қадимий халқ)лар бисёр эди.

МУАССИС: Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Бoш муҳаррир: Фармон ТOШЕВ

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 422 nusxada chop etildi. Buyurtma 768. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda